# ТОВАР-ТРАНСПОРТ ЮКХАТИНИНГ ID-КОДИ ОРҚАЛИ ЭЛЕКТРОН ҲИСОБВАРАҚ-ФАКТУРАЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎЛЛАНМА.

Бозор иқтисодиёти шароитида юк ташишлар билан шуғулланувчи, ташувчиларнинг мулкчиликнинг ҳуқуқий шакли ва мансублигидан қатъи назар, уларга амалий ёрдам бериш ҳамда ташилаётган товарларнинг бирламчи ҳисобини юритиш мақсадида ишлаб чиқилган.

Товар-транспорт юкхатларини тайёрлаш, ҳисобга олиш, тўлдириш ва қайта ишлаш тартиби Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 2 июлда 1382-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган Йўриқнома асосида амалга оширилади.

Электрон товар транспорт юк хатлари ушбу йўриқнома асосида ишлаб чиқилган ҳамда солиқ тўловчиларга қулайликлар яратиш мақсадида ихчамлаштирилган.

**Товар-транспорт юкхатини электрон шаклда расмийлаштиришнинг афзалликлари:**



**Қоғоз учун сарф харажатларнинг камайишига олиб келади.**




**Товар-транспорт юкхатини тасдиқлаш ЭРИ орқали амалга оширилганлиги сабабли, ҳужжатни сохталаштириш имконияти чекланади.**




**Шакллантирилган электрон юк хатларини электрон ҳисобварақ фактураларга ўзвий боғлаш орқали, иштирокчи тарафлар томонидан (жўнатувчи, ташувчи, қабул қилувчи ҳамда солиқ органлари) назоратдан ўтказиш самарадорлиги ошади.**



**ЭЮХларида тўлдирилиши лозим бўлган катакларда танлаш имконияти яратилиши ҳисобига, тўлдирувчилар томонидан хато қилишлар сони кескин камаяди** ***(литр/дона/м.куб, шаҳар ичида/шаҳарлараро,...).***

**Товар миқдорини товар бирлиги нархига автомат кўпайтириш натижасида жами сумма аниқ ҳисоб-китоб қилинади.**

**Товар-транспорт юкхатининг ID-коди орқали ЭҲФ автоматик равишда шаклланади.**

Электрон товар транспорт юк хатларини расмийлаштириш жараёни билан қуйида танишиб чиқиш мумкин.

Мазкур жараённи Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ Қўмитаси ҳузуридаги “Солиқ сервис” Давлат унитар корхонаси “Soliqservis.uz” электрон ҳужжат айланишининг автоматлаштирилган ахборот тизими мисолида кўриб чиқамиз.




Ушбу тизимда электрон рақамли имзо ва бошқа воситалардан фойдаланган ҳолда ҳамкорлар ўртасида товар-моддий бойликларни олиш учун электрон ҳисобварақ-фактура, товар транспорт юк хати ва ишончномалар билан юридик аҳамиятга эга бўлган ҳужжат алмашинуви жараёнини йўлга қўйилган.

Дастлаб товар-транспорт юк хатини яратиш бўлими танланади ва янги товар транспорт юк хати учун зарурий маълумотлар киритилади.




**1-расм. Электрон товар-транспорт юк хатларини расмийлаштириш жараёни.**

Мазкур бўлимда товар транспорт юк хатининг рақами, санаси ва ташиш тури танланади. Бунда товарлар сотувчидан харидорга ва омборхонадан омборхонага ташилиши мумкин.

Товарлар сотувчидан харидорга реализация қилинганда ҳамкорлар ўртасида тузилган шартнома рақами, санаси киритилади ва йўл варақаси рақами, санаси ҳамда автомобилнинг тегишли маълумотлари жойлаштирилади.




**2-расм. Товарлар ҳаракати иштирокчилари.**

Ушбу бўлимда товарлар ташувчи томонидан ташилганда электрон товар транспорт юк хатини расмийлаштириш тартиби кўрсатилган.

Шунингдек амалиётда юкни жўнатувчи ва ташувчи бир вақтнинг ўзида битта юридик шахс бўлиши ёки юк учинчи шахс томонидан ташиб берилиши мумкин. Бундай ҳолатда юкни ким ташиса биринчи навбатда электрон товар транспорт юк хатини расмийлаштириши лозим.

Товарга буюртма берган шахс, ташувчи, юкни жўнатуви ҳамда юкни олувчининг СТИР ёки ЖШШИР маълумотлари киритилса, маълумотлар автоматик равишда шаклланади.




**3-расм. Товарнинг юклаш ва тушириш манзиллари.**

Товарларнинг юклаш манзиллари ва тушириш манзиллари тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилади. *Мисол учун:* *Юклаш манзили* *Тошкент вилоятининг Қуйичирчиқ туманидан* *тушириш манзили* *Тошкент шаҳрининг Сергели тумани 9-ҳудуд бўлса, ушбу маълумотлар юклаш ва тушириш манзили сифатида акс эттирилади.*

Шунингдек махсус белгилар бўлимида товарнинг алоҳида белгилари мавжуд бўлганда киритилади.

Бундан ташқари топширувчи шахс, ҳайдовчи ва қабул қилувчи шахсларнинг Фамилияси Исми Шарифи ҳамда товарнинг оғирлиги акс эттирилади.

Ушбу амаллар бажарилгандан сўнг сақлаш тугмаси босилади.




**4-расм. Электрон товар-транспорт юк хатини сақлаш.**

Электрон товар-транспорт юкхатидаги маҳсулотларни товар (хизмат)лар Ягона электрон миллий каталоги бўйича танлаш имконияти яратилади.




**5-расм. Электрон товар-транспорт юкхатидаги маҳсулотлар рўйхати.**

Мазкур бўлимда МХИК базадаги товарларни танлаш ва юк хатини расмийлаштириш учун қўшиш тугмасини босиш лозим.




**6-расм. Янги махсулот турини киритиш.**

Ушбу бўлимда товар (хизмат)лар Ягона электрон миллий каталоги бўйича индентификация коди ва номидан маҳсулот тури, ўлчов бирлиги, микдори, қиймати, юкнинг умумий баҳоси, етказиб бериш баҳоси, вазнни аниқлаш усули ва юкнинг брутто ва нетто оғирлиги киритилади ҳамда қўшиш тугмаси босилади.


TTYu dagi mahsulotlar ro'yxati 1/01.06.2022 (Buyurtmachi 203335595 - YUNFARKAM OOO)

| Tahrirlash | Tovar (xizmat)lar Yagona elektron milliy katalogi bo'yicha identifikasiya kodi va nomi | Mahsulot nomi | O'lchov birligi | Mahsulot baxosi | Soni | Yukning umumiy baxosi | Etkazib berish bahosi | Yuk bilan birga hujjatlar | Vaznni aniqlash yo'li | Yuk turi | Og'irligi, tn brutto | Og'irligi, tn netto |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | 02505001001000000 – Қурилиш қуми | Щебен 5-20 мм | kub. metr | 65 000 | 15 | 975 000 | 200 000 | шартнома | нетто | қаттиқ жинс | 28 | 18 |



**7-расм. Электрон товар-транспорт юкхатининг ID-кодидан нусха олиш жараёни.**

**2022 YIL 01 IYUNDAGI**
**1 SONLI TOVAR-TRANSPORT YUKXATI**

**2022 yil 01 iyundagi** **12** sonli shartnomaga — **2022 yil 01 iyundagi** **122a** sonli yo'nalish varaqasiga

**Yo'nalish turi:** ☐ Ombordan omborgacha ☑ Sotuvchidan xaridorga
**Avtomobil:** **davlat raqami:** 10877AAA **turi:** yuk
☐ **Tirkama** ☐ **Yarim tirkama:** **davlat raqami:** нет **turi:** нет

**Buyurtmachi:** "SIRLI SAMAR" MCHJ
**STIR:** 205503495
**Yuk jo'natuvchi:** 4-SON QURILISH TRESTI
**STIR:** 200523221
**Yuklash joyi 1:** Quyichirchiq tumani Surum MFY
**Yuklash joyi 2:** 0
**Boshqa manzilga yo'naltirish:** 0

**Yetkazib beruvchi:** 4-SON QURILISH TRESTI
**STIR:** 200523221
**Yuk qabul qiluvchi:** REKLAMA EKSPO DIZAYN MCHJ
**STIR:** 302372106
**Yukni tushirish joyi 1:** Sergeli tumani 9 hudud
**Yukni tushirish joyi 2:** 0
**Yangi yuk qabul qiluvchining manzili:**

| Tovar (xizmat)lar Yagona elektron milliy katalogi bo'yicha identifikasiya kodi va nomi | Yuk nomi | O'lchov birligi | Tovar donasining narxi | Soni | Yukning umumiy qiymati | Yuk tashish narxi | Yukka doir xujjatlar | Massani aniqlash usuli | Yuk sinfi | Massa, nt | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | | | brutto | netto |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 |
| 02501001001000000 – Туз | ош тузи | tonna | 2 500,00 | 100,00 | 250 000,00 | 250 000,00 | 0 | 0 | 0 | 25,00 | 15,00 |
| | | | | Jami: | 250 000,00 | 250 000,00 | x | x | x | 25,00 | 15,00 |

**Maxsus belgilar:** 0

**8-расм. Электрон товар-транспорт юкхатининг кўриниши.**

Ушбу бўлимда танланган махсулот учун яратилган электрон товар-транспорт юкхатининг ID-кодидан нусха олинади.




**8-расм. Ҳисоб-фактура яратиш бўлимида товар-транспорт юкхатининг ID-кодидан ЭҲФни яратиш жараёни.**

Ҳисоб-фактура яратиш бўлимига ўтилади ва ҳисоб-фактура яратиш тугмаси босилганда ушбу ойна ҳосил бўлади ва товар-транспорт юкхатининг ID-кодидан нусха жойлаштирилади ҳамда қидириш тугмаси босилади.



**9-расм. Электрон товар-транспорт юкхатининг ID-кодидан яратилган ЭҲФ.**